

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБДА: АДАБ ВА АХЛОҚ¹



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15630587>

Анвар ЧОРИЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Инсоннинг инсонийлигини ифодаловчи фазилятлар, хислатлар, айниқса инсон маънавий кифолатини ифодаловчи асосий мезонларни аниқлаш, ўрта аср мусулмон фалсафасининг ўзига хос хусусиятларидан бири эди. Ўрта аср мусулмон фалсафасида инсон маънавий маданиятининг энг муҳим кўрсаткичи – адаб ва ахлоқ баркамоллиги ҳисобланди. X-XII асрларда мусулмон фалсафасида “адаб” деганда умумий таълим фанларининг мажмуасини тушуниш урф бўлган эди. Айниқса, Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф қоидаларини ҳар томонлама билиш, адабли-ахлоқли киши маънавий маданиятининг энг муҳим аломати эди.

Адабли-ахлоқли инсоннинг маънавий маданияти ҳақидаги ажойиб фикр-мулоҳазаларни ўрта аср мусулмон шарқининг буюк инсоншунос алломалари Маҳмуд аз-Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб (Юсуф Баласағоний), Аҳмад Юғнаки, Паҳлавон Маҳмуд асарларида яққол кўришимиз мумкин.

XI асрнинг талантли шоири ва мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб, инсон камолоти жамият билан бевосита боғлиқ эканлигини исботлашга уринди. Инсон фақат жамиятда, бошқа кишилар билан бўлган ижтимоий, турли муносабатлар, ижтимоий меҳнат жараёнида камолотга этади, деган фикрни баён қилди. Жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч – меҳнаткашларнинг (деҳқонлар, хунармандлар, чорвадорлар) эканлигини алоҳида қайд қилди. Жамиятни бошқаришда юртбошилар, ҳокимлар, бекларнинг адолатли бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини далиллаб берди. Айниқса ҳокимлар билан тобелар орасидаги турли муносабатларни инсонпарварлаштириш, юртда адолат ўрнатишга эътиборни қаратди². Ҳоким доно, билимдон бўлса, жамиятни бошқариш асосида ақл ва адолат ётади. Ақл ва адолат, шубҳасиз, ялпи бахт-саодат ва фаровонликка олиб келишига ишонади.

Юсуф Хос Ҳожиб умуминсоний ахлоқий нормалар, принциплар қарор топган фаровон жамиятнинг вужудга келиши илм, билим ривожини билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлаб, фуқароларни илмли, билимли бўлишига даъват этади. Илм, фан, маърифат ёрдамида жамият ахлоқий муҳитини соғломлаштираётгани, одамлар онги ва фаолиятида учраб турган ғайринсоний қилиқларни бартараф этмоқчи бўлади. Билимни қоронғу тундаги машғала, ўзидан нур тарқатиб турувчи ёруғликка ўхшатади³.

¹ Кўлёзма асосида фалсафа фанлари номзоди, доцент Тоҳир Қурбонов нашрга тайёрлади.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Қадимий ҳикматлар. Тошкент, 1987. 149-155 бетлар.

³ Ўша асар, 100 –бет.

Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг кадр-қимматини билим билан баҳолайди. Билим инсон ақл-заковатининг асосини ташкил этади. Ақл-заковат эса, инсонни эзгулик томон бошлайди. Худди шунинг учун ҳам билимли кишилар доимо бахтиёрликка интиладилар, яхши истак, орзу-умид билан яшайдилар. Бундай одамлар элда азиз ва кадрли бўладилар. Билимсиз кишининг ҳамроҳи нодонлик ва жоҳиллик бўлади. Билимсизлик оғир дард бўлиб, бундай касаллик ўз вақтида даволанмаса, у албатта бевақт ўлимга олиб боради⁴, дейди шоир.

Ўрта Осиёда Қорахонийлар ҳукмронлик қилган йилларда ижод қилган Юсуф Хос Ҳожиб илмли, билимли кишиларга мурожаат қилиб, зиёли одамларни чиройли нутқ сўзлаш малакасини ўрганишга даъват этади. Билимли кишининг ҳар бир сўзи мазмунли, қисқа ва равшан, пухта ўйланган бўлиши даркорлигини таъкидлаб, акс ҳолда ўйланмай айтилган ҳар бир сўз катта зарар келтириши мумкинлигидан огоҳ этади. “Тилингда жуда эҳтиёт бўлинг, бошинг омон сақланади, сўзингни қисқа қилсанг, ёшинг узаяди⁵”, деб ёзади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрига кўра, инсон энг улкан мавжудот бўлса-да, айна чоғда, ўта мураккабдир. Шунинг учун ҳам одамлар турли туман мурувватли ва нуқсонли, доно ва ахлоқ, оққўнгил ва ёвуз бўладилар. Одамнинг чинакам инсон даражасига кўтарилганлигини ундаги инсонийлик белгилайди. Инсонийликнинг энг муҳим кўрсаткичи – ахлоқий баркамолликдир. Ахлоқий баркамоллик – инсон онги ва фаолиятининг асосини ташкил этади.

Юсуф Хос Ҳожиб кишиларни ахлоқий баркамоллиги ёки ахлоқсизлигига қараб: яхши ва ёмон одамларга бўлади. Унинг тушунтиришича, ёмон одамга тарбия таъсир қилмайди. Яъни “Туғма ёмонлар учун чора ва илож йўқ, улар борликқа бало, халқ учун офат бўладилар⁶”.

Бундай ёмон одамлардан узоқроқ бўлиш, дўст-биродар тутунмасликни маслаҳат беради. “Агар яхшилар йўлдоши ёмон бўлса, яхши ҳам ўша ёмон тенгида ёмон бўлади. Яхши бўла туриб, ёмонлар ичига кирса, уларга аралашса, ёмонларнинг яхши бўлишига йўл очади⁷”.

Юсуф Хос Ҳожиб одамлар табиатидаги яхшилик ва ёмонлик аломатларини кишиларнинг генетик хусусиятларидан, яъни насл-насабидан кидиради. Насл-насаби тоза кишилар ахлоқан баркамол бўладилар. Насл-насабининг тайини йўқ кишилар табиатан ёмон ишларга қодир бўладилар. Бундай кишилар ғаразгуйлик, ҳасадгуйлик ва бошқа ахлоқий тубанликларга мойил бўладилар.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрига кўра, инсон ахлоқий баркамоллигининг муҳим кўрсаткичларидан бири – оддийлик ва камтарликдир. Инсон қанчалик

4. Ўша асар, 94 –бет.

5. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Қадимий хикматлар. Тошкент, 1987. 95- бет.

6. Ўша асар, 128 –бет.

7. Ўша асар, 128 –бет.

юқори мансабларга эришмасин, қанчалик катта молу-дунё тўпламасин, барибир камтар, оддий бўлиши лозим. Чунки камтарлик, оддийлик инсонни ҳар томонлама улуғлайди. Ўзини камтар тутадиган оққўнғил, мурувватли кишиларга бахт-иқбол ҳамиша кулиб боқади. Калондимок, манманликка берилган мақтанчоқ кишилардан одамлар юз ўгиради. Ахлоқан етук кишини нафақат одамларнинг ҳозирги авлоди, балки келажакда ҳам ҳурмат-иззат билан эслашади. Чунки бундай кишилар ўзларидан яхши ном қолдирадilar. Камтар, оддий, ҳалол, ҳақгўй кишилар жамиятнинг бебаҳо бойлиги, мунофиқ, ёлғончи кишилар эли-юрт учун зарарли иллат эканлигини қайта-қайта такрорлайди. Жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш учун, сўзи билан иши бир одамлар сонини кўпайтиришни орзу қилади. Кишиларни жисмоний ва маънавий қиёфаси ички дунёси билан ташқи дунёси орасидаги ўзаро алоқадорликни мустаҳкамлаш йўллариини излайди⁸.

Инсоннинг маънавий маданияти ҳақидаги Юсуф Хос Ҳожиб фикр-мулоҳазалари ривожини, XII асрнинг охири XIII асрнинг биринчи ярмида ижод этган Аҳмад Югнаки қарашларида кўриш мумкин. Унинг маънавий маданият ҳақидаги фикр-мулоҳазалари “Ҳибатул ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар совғаси”) достонида баён қилинган. Аҳмад Югнаки ҳам Юсуф Хос Ҳожиб каби инсон маънавий маданиятининг асосига билимни кўяди. Билимли, илмли кишиларни юксак маънавий маданият соҳиблари сифатида қадрлайди, эъзозлайди⁹.

Адабиётлар руйхати:

1. Чориев А.Ч. Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. 1-китоб. Тошкент. 1998 йил.
2. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Қадимий ҳикматлар. Тошкент, 1987. 149-155 бетлар.
3. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Тошкент, 1995. 91-97-бетлар.
4. Аҳмад Югнакининг “Ҳибатул ҳақойиқ” асари Туркияда (1913–1916, 1951 йилларда), Тошкентда (1971, 1972, 1987 йилларда), Пекинда (1980 йилда), Олматида (1984 йилда) нашр қилинган.

⁸. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Тошкент, 1995. 91-97-бетлар.

⁹. Аҳмад Югнакининг “Ҳибатул ҳақойиқ” асари Туркияда (1913–1916, 1951 йилларда), Тошкентда (1971, 1972, 1987 йилларда), Пекинда (1980 йилда), Олматида (1984 йилда) нашр қилинган.